“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали директори
_____ Ф.А.Отамурадов
2026 йил «14» октябр

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ТЕРМИЗ ФИЛИАЛИ ҲУДУДИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК АСОСИДА 400 ЎРИНЛИ ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙИ БИНОСИНИ ҚУРИШ, ЖИҲОЗЛАШ ВА БИНОДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЛОЙИҲАСИ КОНЦЕПЦИЯСИ

I. Лойиҳанинг тавсифи

Лойиҳанинг номи:	Талабалар турар жойи биносини қуриш
Тармоқ номи:	Олий таълим
Лойиҳа тури:	Талабалар турар жойини лойиҳалаш, қуриш, жиҳозлаш, фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш
Хусусий шерик томонидан бажариладиган иш ҳажми	400 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш
Давлат шериги:	Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали
Масъул вазирлик ёки ижро этувчи орган:	Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
Лойиҳа жойлашган жойи:	Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Маърифат маҳалласи Ислом Каримов кўчаси, 64-уй, Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали ҳудуди

II. Дастлабки танлов натижалари

ДХШ лойиҳасининг дастлабки танлови натижалари ҳақидаги батафсил маълумот ва тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.
Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида 400 ўринли талабалар турар жойини қуриш, жиҳозлаш ва бинодан фойдаланишни ташкил этиш лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 майдаги ПҚ–198-сонли “2026 йилда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 25-бандига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Мазкур қарорга асосан Термиз шаҳри, Маърифат маҳалласи, Ислом Каримов кўчаси 64-уйда жойлашган Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида 400 ўринли талабалар турар жойини барпо этиш ҳамда лойиҳани 50 фоиз республика бюджети маблағлари ҳисобидан ажратиладиган субсидиялар ва 50 фоиз хусусий инвестициялар ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилган. Ушбу лойиҳани амалга ошириш бўйича хусусий ташаббус «BEST KONTINENTAL» хусусий корхонаси томонидан илгари сурилган бўлиб, давлат-хусусий шериклик ташаббуси доирасида лойиҳанинг техник, молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича

дастлабки таҳлиллар ўтказилди.

Ўтказилган таҳлиллар натижасида Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалида талабаларни турар жой билан таъминлаш бўйича қўшимча қувватларга эҳтиёж мавжудлиги, талабалар контингентининг ўсиш тенденцияси ҳамда замонавий талабалар турар жойларига бўлган талаб юқори даражада эканлиги аниқланди.

Лойиҳанинг асосий мақсади талабаларни замонавий, хавфсиз ва қулай турар жой билан таъминлаш, таълим олиш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш ҳамда олий таълим муассасасининг ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантиришдан иборат.

«BEST KONTINENTAL» хусусий корхонаси томонидан тақдим этилган дастлабки маълумотлар, инвестиция имкониятлари, лойиҳани амалга ошириш бўйича тажриба ва ташкилий салоҳият ўрганилиб, мазкур лойиҳани давлат-хусусий шериклик механизми асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Дастлабки танлов ва баҳолаш натижаларига кўра, лойиҳа давлат ва хусусий шерик манфаатларига мос келиши, талабаларни турар жой билан таъминлаш даражасини оширишга хизмат қилиши ҳамда юқори ижтимоий аҳамиятга эга эканлиги сабабли давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш учун тавсия этилади.

III. ДХШ лойиҳасининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари

Қуйидаги саволларга жавоб беринг ва келтирилган қўшимча маълумотларга қўйиладиган талабларни тўлдиринг (керак бўлса, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг).

Қўшимча маълумотлар	
1.	Лойиҳани баҳолаш ҳужжатлари тайёрланганми?: Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. *Лойиҳа баҳолаш ҳужжати илова қилинади*
2.	Лойиҳанинг қуйидагилардан бирига ёки бир нечтасига киритилганлигини кўрсатинг: Инвестиция дастури ☐ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки карори ☒ Вазирлар Маҳкамасининг қарори ☐ Бошқалар ☐ Батафсил маълумотлар ҳамда тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 майдаги ПҚ–198-сонли "2026 йилда Сурхондарё вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори.
3.	Лойиҳа иқлим ўзгариши бўйича Ҳукумат томонидан белгиланган мақсадлар ёки стратегияларга эришишга ҳисса қўшадими? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, маълумот беринг.
4.	Лойиҳа Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш соҳасидаги қайси мақсадларига қаратилган ***4-мақсад: Сифатли таълим*** *– Таълим муассасаси талабалари учун қулай яшаш шароитлари яратиш орқали таълимга қўшимча қўллаб-қувватлашни таъминлайди. Ётоқхона мавжудлиги талабаларнинг таълимга тўлиқ эътибор қаратишига ёрдам беради.* ***10-мақсад: Тенгсизликни камайтириш*** *– Ижтимоий жиҳатдан ҳимояга*

	муҳтож ёки чекка ҳудудлардан келган талабалар учун тенг яшаш ва таълим олиш имкониятини яратади. ***11-мақсад: Барқарор шаҳарлар ва жамоалар*** *– Талабалар учун хавфсиз, барқарор ва арзон турар жой имкониятини яратиш орқали шаҳар инфратузилмасини яхшилашга ҳисса қўшади.*
5.	Ушбу лойиҳа давлат харидлари жараёни доирасида амалга ошириш учун бюджет томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилганми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, маълумот беринг.
6.	Хусусий шерикнинг лойиҳани амалга ошириш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ олишга рухсат берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш зарурати борми? Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг. Ҳа ☐ Йўқ ☒
7.	Хусусий шерикнинг лойиҳа доирасида кўрсатадиган якуний хизматларини тасвирлаб беринг: – Хусусий шерик томонидан 16,818 млрд. сўм инвестиция киритилиб, давлат шериги бўлган Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалининг ТТЖга эҳтиёжманд 400 нафар талабалари учун талабалар турар жойи хизмати тақдим этилади. Бунда, талабалар турар жойида яшаш учун ундириладиган тўловлар давлат шериги билан келишилган нархларда хусусий шерик томонидан йиғилади.
8.	а) Лойиҳа умумий қиймати (АҚШ долларида): (2 772,1 минг АҚШ долларида): **33 298,7 млн.сўм** Шундан: 2027 йилдаги давлат бюджети ҳисобидан субсидия тарзида тўлаб бериладиган қисми 16 480,0 млн.сўм б) Лойиҳа давридаги эксплуатация харажатлари миқдори (АҚШ долларида) (3 599,2 минг АҚШ долларида): **43 234,4 млн.сўм** в) Умумий харажатлар (АҚШ долларида): (6 371,3 минг АҚШ долларида): **76 533,1 млн.сўм** *(01.07.2025 йил ҳолатига курс: 12694,97 сўм)* Г). ДХШнинг амал қилиш муддати: **30 йил** Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: 3-10 ☐ 11-20 ☐ 21-30 ☐ >30 ☐ Д) Лойиҳанинг амалга ошириш муддати: **1 йил 3 ой** Аниқ маълумот бўлмаса, оралиқ муддатни белгиланг: <10 ☐ 10-30 ☐ >30 ☐
9.	Лойиҳанинг даромад манбаини кўрсатинг: а) Фойдаланганлик учун тўлов ☒ Эркин фойдаланилиши учун тўлов ☐ б) Йиллик тахминий фойдаланганлик учун тўлов ёки эркин фойдаланиш учун тўловни кўрсатинг (АҚШ долларида): 400 нафар талабаларга давлат шериги билан келишилган ҳолда белгиланган ойлик тўлов 412 минг сўмдан, йиллик даромад **1648,0 млн.сўм** (137,1 минг.долл) *(Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ*

бўлган ва бошқа харажатларнинг ўзгариши муносабати билан нархларнинг оширилиши Давлат шериги билан келишилган ҳолда ўрнатилади.)

Даромадлар тақсимотини кўрсатинг:

Давлат мулкидан фойдаланганлик учун тўлов ☒

Қўшимча фойда тақсимоти ☐

в) ДХШ лойиҳасининг ташаббускорини белгиланг:

Давлат ташаббускори ☐

Хусусий ташаббускор ☒

г) Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов ☒

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 30 октябрдаги 720-сонли қарорига асосан Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффиқиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер ғолиби ёки тўғридан-тўғри музокара иштирокчиси томонидан ваколатли давлат органига лойиҳа қийматидан 0,2 % миқдоридаги (66,6 млн.сўм) бир марталик тўлов ДХШ тўғрисидаги битим имзолангандан сўнг тўланади.

10. Хусусий ва давлат шериги ўртасидаги хатарларни тақсимлашда, таклиф қилинган ўзгаришларни белгиланг.

Бунда давлат шериги ва хусусий ташаббускор келишган ҳолда хатарлар тақсимотини ўзгартиришга ҳақли.

Хавф ёки хатарлар турлари	**Давлат шериги**	**Умумий**	**Хусусий шерик**	**Хатар тақсимоти асоси**	**Изоҳ**
Лойиҳа ҳужжатини ишлаб чиқиш билан боғлиқ хатарлар			●		
Дизайн ва технологиялар нинг эскириш хавфи			●		
Яширин нуқсон хавфи			●		
Ер ажратиш ва кўчириш билан боғлиқ бўлган хатарлар	●				
Молиявий хатар		●			
Қурилиш билан боғлиқ хатар (аниқ бўлмаган)	●				
Қурилиш билан боғлиқ бўлган хатар (аниқ бўлган)			●		
Ишга тушириш		●			

BFM0458

	билан боғлиқ бўлган хатарлар					
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (давлат шериги тарафидан)	●				
	ДХШ тўғрисидаги битим тузилганидан кейин лойиҳага киритиладиган ўзгаришлар (хусусий шерик тарафидан)			●		
	Лойиҳанинг суғуртасига оид хатарлар			●		
	Солиқ билан боғлиқ хатарлар			●		
	Тарифларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган хатарлар			●		
	Қонунчиликдаги ўзгаришларнинг лойиҳага салбий таъсири хатарлари		●			
	Лицензия, рухсатномалар кечикиши ёки берилмаслиги хатарлари		●			
	Хусусий шерикка келишилган тўловларнинг кечиктирилиши	●				
	Давлат шеригига келишилган тўловларнинг кечиктирилиши (тегишли			●		

BFM0458

	жойларда)					
	Сиёсий беқарорлик хатарлари	●				
	Таъмирлаш ва реконструкцияга оид хатарлар			●		
	Мулкни реквизиция қилиш	●				
	Операцион хатарлар			●		
	Экологик / ижтимоий хатар (эксплуатация билан боғлиқ)			●		
	Оператив фаолият билан боғлиқ хатарлар			●		
	Талаб билан боғлиқ бўлган хатарлар		●			
	Самарадордлик к ўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ хатарлар			●		
	Бошқа			●		

11. Агар хусусий шерик кўрсатилган бўлса, қуйидаги маълумотларни тақдим этинг.

а) хусусий ташаббускор номи (агар юридик шахслар бирлашмаси бўлса, етакчи иштрокчининг номи):

"BEST KONTINENTAL" хусусий корхонаси

б) компания рўйхатдан ўтган давлат номи:

Ўзбекистон Республикаси

в) акциядорлар ва компания эгалари (5 фоиз дан кўп улушга эга):

Забиев Тўрақул Ҳайдарович – 100,0 фоиз улушга эга

г) боғланиш учун маълумот:

Манзил: Самарқанд вилояти, Тайлоқ тумани, Маданият ҚФЙ, Сочакипоён қишлоғи,

Телефон рақами: +99893 720-07-11 E-mail:

д) бизнеснинг қисқача мазмуни:

Турар жой биноларини қуриш ишлари.

е) худди шу соҳада шунга ўхшаш лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тажриба:

Ташкилот 2008 йилда ташкил этилган. Бугунги кунга қадар бир қатор давлат ҳамда хусусий ташкилотларга тегишли объектларда 100 дан ортиқ турар жой биноларини қуриш ва бошқа қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган. Бундан ташқари 2023 йилдан буён талабалар турар жойларини ДХШ асосида ташкил этиш билан

ҳам самарали шуғулланиб келмоқда.

ё) сўнгги уч молиявий йил учун жами активлар, жами мажбуриятлар ва соф фойда:

	Активлар	Мажбуриятлар	Соф фойда
2023 йил	6 036 065,0 минг сўм	6 036 065,0 минг сўм	282 124,0 минг сўм
2024 йил	10 305 613,0 минг сўм	10 305 613,0 минг сўм	324 493,0 минг сўм
2025 йил	7 189 398,0 минг сўм	7 189 398,0 минг сўм	44 587,0 минг сўм

2023, 2024 ва 2025 йиллар учун тузилган Баланс ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлари ва маълумотнома илова қилинади

з) компанияни қайта ташкил этиш, тугатиш ва (ёки) банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш:
MY.GOV.UZ тизими орқали олинган маълумотнома илова қилинади

Хусусий ташаббускорнинг малакасини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатли далилларни,
шу жумладан, компания низоми, йиллик ҳисоботларни ва охирги уч йил учун аудит қилинган консолидацияланган молиявий ҳисоботларнинг тасдиқланган нусхаларини тақдим этинг.
Хусусий корхонаси устави, йиллик ҳисоботлари илова қилинади.

12. Ҳар бир босқич учун тахминий/режалаштирилган санани кўрсатинг:

		Сана			Сана
а)	ДХШ лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш	2026 йил II-III –чорак	д)	Музокаралар ва ДХШ тўғрисидаги битимни имзолаш	2026 йил III –чорак
б)	Лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш (Масалан: тендер ҳужжатлари)	2026 йил II-III –чорак	е)	Махсус лойиҳа компаниясини (SPV) ташкил этиш	Ғолиб аниқланган дан сўнг
в)	Дастлабки малакани аниқлаш	2026 йил III –чорак	ё)	Молиявий якунлаш	Битим кучга киргандан сўнг
г)	Ғолибни саралаш	2026 йил III –чорак			

13. Жорий ҳолатда аҳолидан ва/ёки давлат бюджетидан мазкур хизматга ажратиладиган ялпи маблағ:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 майдаги ПҚ–198-сон қарорига мувофиқ Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида 400 ўринли талабалар турар жойини қуриш ва жиҳозлаш учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 16 480,0 млн сўм миқдорида субсидия ажратилиши назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 сентябрдаги 563-сон қарорига мувофиқ талабалар турар жойини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг бир қисми давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилади.

Бунда, Давлат қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган талабалар турар жойларини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг 50 фоизи Давлат бюджети ҳисобидан, бироқ базавий

	ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда субсидия ажратиш орқали қоплаб борилади. Бунда талабалар турар жойларини сақлаш ва эксплуатация қилиш билан боғлиқ харажатларга — бинони сақлаш учун масъул бўлган ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал тўловлар ҳамда бинони қайта жиҳозлаш ва ободонлаштириш билан боғлиқ харажатлар киради.
14.	Ушбу лойиҳа давлат тарафидан амалга оширилганда, бюджетдан ажратилиши кутилган тахминий маблағ (бунга капитал харажатлари ва бошқа бошқарув харажатлари киради. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 32 960,0 млн. сўм сарфланади.
15.	Лойиҳани давлат томонидан эмас, балки ДХШ механизми орқали амалга оширишнинг афзалликларини асослаб беринг: *Талабалар турар жойларини барпо этишда хусусий инвесторларни маблағларини жалб этиш орқали Давлат бюджети юкини камайтириш шунингдек, барпо этиладиган талабалар турар жойларини бошқариш хусусий шерик зиммасига юклатилиши натижасида давлатнинг бажарадиган ишлари камаяди.*
16.	Ташаббус қилинган лойиҳа иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни / муаммоларни ҳал этишга қаратилганми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ **Иқтисодий самара:** 400 ўринли ТТЖ биносини ДХШ лойиҳаси асосида қуриш ва жиҳозлаш натижасида 16 818,7 млн. сўмга тенг давлат бюджети маблағларини тежаш имконини беради. **Ижтимоий самара:** Бугунги кунда филиалда қўшимча 400 ўринли талабалар турар жойига эҳтиёж мавжуд. ДХШ асосида янги қуриладиган ТТЖда 400 нафар талабалар ётоқ жойлар билан таъминланади. **Инфратузилмавий самара:** кўп қаватдан иборат бўлган ТТЖ биноси замонавий кўринишда, шаҳарсозлик нормаларига мувофиқ барпо этилади.
17.	Таклиф этилаётган лойиҳалар бўйича фаолият давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари томонидан амалга ошириладими? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар “Ҳа” жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:

BF-M0458

18.	Таклиф этилаётган лойиҳа бўйича тақдим этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) сифати ва (ёки) қамраб олиш даражасининг амалдаги кўрсаткичларга нисбатан юқори ва (ёки) инновацион ёндашувни ўз ичига оладими? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:
19.	ДХШ объектига бўлган мулк ҳуқуқи давлат шеригига тегишлими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Маърифат маҳалласи Ислом Каримов кўчаси, 64-уй манзилидаги ер майдони Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалига тегишли.
20.	Лойиҳа учун хусусий сектор томонидан сармоя ва/ёки тажриба жалб қилиняптими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Хусусий ташаббускор – "BEST KONTINENTAL" ХКдан 16 818,7 млн. сўм. миқдорида сармоя жалб қилинмоқда.*
21.	Таклиф этилаётган лойиҳа хорижий ёки маҳаллий тажрибага асосланадими? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг:
22.	Ташаббус қилинган лойиҳа доирасида илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш назарда тутилганми? Ҳа ☐ Йўқ ☒
23.	Ташаббус кўрсатилган лойиҳа томонлар учун мақбул бўлган мутаносиб фойдани таъминлаб бера оладими? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, фикрингизни батафсил асослаб беринг: *Хусусий шерик ДХШ битими муддатида талабалар турар жойи хизмат кўрсатишидан барқарор фойда эга бўлади.* *Давлат шериги тўлиқ жиҳозланган ва рақамлаштирилган, тайер инфратузилмага эга бўлади, Битим муддати сўнггида барчаси Давлат шериги ихтиёрига ўтади.*

24.	Лойиҳани амалга ошириш учун ер участкасига зарурат борми? Ҳа ☒ Йўқ ☐ Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, Маърифат маҳалласи Ислом Каримов кўчаси, 64-уй, Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали ҳудудидаги бўш турган 0,3 гектар ер майдони ажратилади.
25.	Лойиҳани амалга ошириш натижасида ижтимоий муаммолар келиб чиқиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг: Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.
26.	а). Лойиҳани амалга ошириш натижасида экологик муаммолар вужудга келиш эҳтимоли мавжудми? Ҳа ☐ Йўқ ☒ Агар "Ҳа" жавобини белгилаган бўлсангиз, изоҳланг. Асослантириш учун тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этинг.
	б). Давлат шериги томонидан (ДХШ лойиҳаси доирасидан ташқари) амалга оширилиши зарур бўлган қўшимча иш ҳамжларини кўрсатинг: Сув таъминоти объектларини қуриш☐ Газ таъминоти объектларини қуриш ☐ Электр таъминоти қурилмаларига уланиш ☐ Транспорт боғланиши☐ Кириш йўллари ☐ Бошқалар Мазкур лойиҳа бўйича инфратузилмаларни яратиш ишлари, хусусан, сув таъминоти, газ таъминоти объектларини қуриш, электр таъминоти қурилмаларига уланиш, кириш йўлларини қуриш ва транспорт боғланишини таъминлаш хусусий шерик томонидан амалга оширилади.
27.	Манфаатдор томонларни санаб ўтинг: Хусусий шерик - "BEST KONTINENTAL" хусусий корхонаси; Давлат шериги: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали
28.	Ғолиб бўлган иштирокчи ДХШ шартномасини муваффақиятли тузилганлиги учун Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тўлайдиган бир марталик комиссия миқдорини кўрсатинг: ☒ Умумий қиймати 1 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун - 0,2 фоиз ☐Умумий қиймати 10 млн АҚШ долларидан 100 млн АҚШ долларигача бўлган лойиҳалар учун - 0,1 фоиз ☐Умумий қиймати 100 млн АҚШ долларидан 1 млрд АҚШ долларигача

	бўлган лойиҳалар учун - 0,05 фоиз ☐Умумий қиймати 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ бўлган лойиҳалар учун - 0,02 фоиз	
29	Давлат шериги томонидан лойиҳани амалга ошириш учун масъул этиб тайинланган шахс ҳақидаги маълумотларни тақдим этинг. Агарда имкони бўлса, лойиҳани амалга ошириш гуруҳи ҳамда ДХШ лойиҳаси менеджери, гуруҳ аъзоларининг лавозими ва мажбуриятлари ҳақидаги маълумотларни ҳам тақдим этинг.	
	Масъул этиб тайинланган шаҳс	Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали
	Ф.И.Ш.	Халилов Умид Иштемирович
	Лавозими:	Ишлар бошқармаси бошлиғи
	Тел:	90-246-45-35
	Электрон почта манзили:	

“Келишилди”
Олий таълим, фан ва инновациялар вазири

м.ў.

“Келишилди”
Иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари

м.ў.

“Киритилди”
“BEST KONTINENTAL” хусусий корхона раҳбари

Т.Х.Забиев

м.ў.